





## Ислом Нури

.....) .....

Имом Муслим Анас розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сафларингизни баробар қилингиз, чунки сафларни баробар қилиш намознинг мукаммал бўлиши сабабларидан», дедилар.

.....) .....

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Нўъмон ибн Башир розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сафларимизни худди найзанинг чўпларини текислагандек текислар эдилар. То биз тушуниб етганимизни кўргунларича (шундай қилдилар.) Бир куни чиқиб, энди намозни бошлашга такбир айтмоқчи бўлиб турган эдилар, бир кишининг кўкраги сафдан олдинга чиқиб турганини кўрдилар ва: «Эй Аллоҳнинг бандалари, ё сафларингизни баробар қиласиз ё Аллоҳ юзларингизни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди», дедилар.

.....) .....



## Ислом Нури

Имом Бухорий Анас розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Сафларингизни тўғриланглар, мен сизларни орқамдан ҳам кўриб тураман», дедилар. Анас розияллоху анху айтади: Биз (сафга турганимизда) елкамизни ёнимиздаги биродаримизнинг елкасига, оёғимизни оёғига ёпиштириб турар эдик.

### Шарҳ

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сафлар тўғри бўлишига қаттиқ аҳамият берардилар, ҳатто саҳобаларнинг елкаларидан ушлаб, сафларини ҳудди найзани бир текис қилиб тергандай текислардилар. Умар розияллоху анху халифалик даврида ҳар бир сафга сафни тўғрилайдиган бир одам тайинлаб қўйган эди. Сафлар тўғриланди, дейилганидан кейингина намозни бошлар эди. Бугунги кунга келиб бизнинг диёрларда одамлар бу суннатни унутишди, сафларни текис ва жипс қилинишига эътибор бериш йўқолди, балки мусулмонлар орасидаги баъзи ихтилофларнинг сабаби ҳам ушбу суннатни тарк қилганимиздир. Аллоҳ таоло оламдаги барча мусулмонларнинг қалбларини ва сафларини тўғриласин ва бирлаштирсин.

Шу ўринда айтиб ўтишишимиз керакки, баъзи намозхонлар сафни боғлайман деб сафда оёқлари орасини кенг очиб туради, бунинг сабаби эса ёнидаги намозхон икки оёғини бир-бирига жипслагудек туриб оладида ёнидаги бўшлиқни тўлдириш ўрнига ҳамсоясидан узоқроқ туришга интилади. Бу албатта билмасликдан. Сафда турилганда оёқлар елка кенглигида қўйилади ҳамда елка ва оёқни ёнидаги кишининг елка ва оёғига теккизиб турилади, ана шунда пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам суннатлари рўёбга чиқади.



**Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Намозда сафларни тўғрилашга ва жипс туришга буюрилганмиз.
2. Сафларнинг тўғри бўлмаслиги намозхонларнинг қалblари бир-бирларига нисбатан ўзгариб қолишига сабаб бўлади.
3. Сафларни текис қилиш намознинг мукамаллиги сабабларидан.